

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-ЙИЛ
ЧИҚИШИ.

№ 65 (5414).

2
АПРЕЛЬ
ЧОРШАНБА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

Областимизнинг илғор саноат корхона-
лари ва қишлоқ хўжалиги коллективлари
биринчи квартални яхши кўрсаткичлар
билан тугалладилар. Ватанга пландан
ташқари кўпроқ маҳсулот етказиб берилди.

Иккинчи квартал бошланди. Беш йиллик-
нинг якуновчи йили план ва мажбурият-
ларини шараф билан бажариш учун социа-
листик мусобақани янада кучайтирайлик.

МЎЛ МАҲСУЛОТ УЧУН

Калинин районидаги «Москва»
колхоз сабзавоткорлари дала иш-
ларини жадал оlib боришмоқда. Ҳар гек-
тар 140 гектар майдоннинг ҳар гектарида
300 центнердан сабзавот етиштиришга қарор
қилинган.

Хўжаликда эртаги сабзавот
етиштиришга катта эътибор берил-
моқда. Айниқса, пилёна тағдир
боднинг етиштириш яхши самара
бермоқда. Бу йил 15 гектар май-
донга полиетилеилен пленкалари та-
ғдир боднинг етилди. Ҳар гектар
ердан 20 тоннадан ошириб маҳсулот
етиштириш мўлжалланмоқда. Бугунги
кунда сабзавоткорлар
экинларини парваришлаб, озикла-
тирмоқдалар.

Помидордан ҳам йил сайин ю-
ри ҳосил етиштириб келинмоқда. Бу
йил 63 гектар майдонга помидор
экинлади. Ҳар гектар ердан
40 тоннадан ошириб ҳосил етиш-
тиришга қарор қилинган. Шунинг-
дек, дербент навли карамнинг
ҳар гектарида 30 тоннадан ҳосил
етиштирилади. Турғун Жамолов
бошлиқ бригада коллективни бу
ойдан бошлаб шаҳар меҳнат-
нашларига эртаги қарам етказиб
берадилар.

Хўжаликда маҳсулот миқдорини

оширишда механизациядан, мине-
рал ва маҳаллий ўғитлардан са-
марали фойдаланилмоқда. Ҳар гек-
тар майдонга 20—30 тоннадан
маҳаллий ва минерал ўғит
солинди. Бир йилда 1,5—2 йил-
лик ем-хашак жамғариш мақсади-
да 22 гектар майдонга манқасу-
хори экилди. Ҳар гектар ердан
ўртача 85—90 центнердан сўх-
ори доғи, 450—500 центнердан
кўкпея етиштирилади.

Баҳорнинг шу қизғин кунлари-
да сабзавоткор деҳқонлар билан
бир қаторда пилёкорлар ҳам
унумли ишламоқдалар. Улар бу
йил 100 кўти кўрт уруғидан план-
да белгиланган 4800 килограмм
ўғитга 5500 килограмм пилла
олишга аҳд қилганлар. Ҳозир хў-
жаликда тут дарахтларини озик-
лантириш, қатор ораларини юмша-
тиш ишлари оlib боришмоқда. Шунинг-
дек, 3 миля тулдан ортин
тут кўчати ўтказилди.

Колхознинг илғор пиллакорла-
ридан Н. Ваҳобова, К. Мирзахў-
жаевлар ҳар кўти кўрт уруғидан
100—120 килограммдан пилла
етиштиришга сўз бердилар.

А. ХУСАНОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг
штабсиз муҳбири.

В. И. Ленин номи
Олмалик кон-метал-
лургия комбинатининг
қолиповчилари Ўқтам
Жўраев билан Петр
Кольков корхонанинг
зарбдор ишчиларидан
ҳисобланган. Улар
кунлик топириқлар-
ни мунтазам равишда
120—130 процентга ет-
казиб адо этишмоқда.

А. Тўраев фотоси.



УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР

Фирмада бичиқчилик цехи
энг илғор цехлардан саналади.
Бу цехга Раҳим ака Шомуро-
дов раҳбарлик қилиб келяпти.
Социал фронтчилардан Р. Па-
трина, Р. Васильевлар эса
2-дехнинг зарбдор моторист-
лари. Д. Ахмедов — уста бичи-
кор. Ана шу ветеран ишчи ва
хизматчилар куллик топириқ-
ларини 130—140 процентга
етказиб адо этишмоқдалар. Соци-
ал фронтчилардан Р. Ш. Василь-
ев, А. В. Сибка, С. Потрина,
Д. Ахмедов, Р. Шомуродов,
Г. Яхонтов кабиларнинг шо-
гирдлари устозлари йўлидан
бориб, қаҳрамон шахарлар ша-
рафига мусобақани янада қизи-
тиб ишламоқдалар.

Жумладан, 5-дехда Раиса
Ишчук бошлиқ бригада 540 до-
на костюм-шмани планга қў-
шимча равишда тикиб берди.
Кейинги ишчи ўн куликда 3-
дехнинг М. Содиқова бошлиқ
чеварлари голиб чиқиди.

С. СУЛТОНОВ.
Ўзбекистон ССР ва Ўзбеки-
стон Компартиясининг 50 йил-
лик номи тилишчилик фир-
маси.

ЧЎЛҚУВАРЛАР ҒАЙРАТИ

«Ташкентстрой»га қарашли
механизацияланган ва яхтисос-
лашган кўма колоннанинг 1-
участкиси меҳнатчилари улуғ-
вор беш йилликнинг якуновчи
йили план ва мажбуриятларини
муддатдан анча илғари бажари-
шга қарор қилдилар. КПСС
Марказий Комитети, СССР Ми-
нистрлар Совети, ВЦСПС ва
ВЛКСМ Марказий Комитети-
нинг «1975 йил халқ хўжалик
планини муддатдан алғари
бажариш ва тўққизинчи беш
йилликни муваффақиятли ту-
галлаш учун саноат, қурилиш
транспорт хўжалиқларининг Бу-
тувнинг социалистик мусо-
бақасини ўтказиш тўғрисида»ги
қароридан руҳланган участка

чўлқуварлари жорий хўжалик
йилида янги 1 миллион 60
миля сўмлик иш бажаришга сўз
бердилар.

— Бу йил коллектив олдига
ана шундай вазифалар туриб-
ди, — дейди 1-участка бошли-
қи Тўлқинион Мирзакаримов.
— Ҳозирги кунгача қарийб 120
миля сўмлик иш бажаришга
«Бўқа» совхозда, Бепобод
районидан 3—4 «Далларани»,
«Октябрь 46 йиллик», Ойбек
номи совхозлар ҳамда Ленин
номи колхоз территорияларида
мелiorация ва ирригация иш-
ларини оlib бормоқдамиз. Бир-
гача «Октябрь 46 йиллик»
совхознинг ўзид 30 миля
сўмлик мелiorация ишлари

бажарилади. Ленин орденли Аб-
дуллаев Қамбаралиев, Му-
саффаров бошлиқ бульдозерчи-
лар бригадаси аъзолари асрлар
бўйи бун етган ерларни ўз-
лаштириб, экинзорларга ай-
лаштирмоқдалар.

Участка жарду-майдонлари
шу беш йилликнинг сўнги
йилида «Бўқа» совхозда 5000
сўмлик мелiorация ва ир-
ригация ишларини бажариш-
га киришдилар. Улар хўжалик-
да 2 та сув насос станцияси
ўрнатиб, 350 гектар ерин шол
экинга тайёрламоқдалар.

Тўлқин Мирзакаримов раҳ-
барлигида 1-участка чўлқу-
варларининг бу йилги аҳдлари
ҳар йилдан юксак. Янги экин-
зорлар барпо этиш, ирригация
тармоқларини бекетлаштириш,
экин майдонларини кўкламга
экин масъулига тайёрлаб қў-
йиш ва юзлаб гектар ерларни
капитал текислаш ишларини ўт-
казмоқдалар.

Т. УСМОНОВ,
К. МАВЛОНОВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА БАҲОРИНГ ЭКИНЛАР ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 1 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи сўн — баҳорги доғ
экин; иккинчи сўн — эртаги
сабзавот экин ва кўчат ўтказиш;
учинчи сўн — беда сепиш (план-
га нисбатан процент ҳисобида).

Оққўрғон	117,6	78,3	100,0
Ўрта Чирчиқ	103,0	90,1	74,1
Чирчиқ	101,8	75,7	80,5
Бекобод	101,3	80,3	99,6
Бўқа	100,0	92,3	101,4
Калинин	100,0	99,7	100,0
Кўин Чирчиқ	100,0	73,5	111,8
Охангарон	90,5	82,8	101,3
Чирчиқ	37,6	132,7	84,8
Пискент	81,2	93,0	95,3
Янгийўл	62,2	76,4	100,0
Бўстонлиқ	53,7	72,6	24,4
Орқонкидае	—	76,5	100,0

Область
бўйича 93,4 85,2 90,7

ИЗОХ. 1. Эртаги сабзавот ва
пизэ экин планга киритилганли-
ги сабабли бажарилиш проценти
камаяган.

2. Оққўрғон ва Янгийўл райо-
нларида баҳорги доғ экин план-
дан қайта экилган кўзги доғ экин
қилиб бажариш.

Мен ўн уч йилдан бери бригадирлик қи-
ламан.

Дастлабки йиллардаги ишмизни қўздан
кечирмаган бўлсак, у вақтларда иш содда-
роқ экан. Тўғри, шу йилларда ҳам контра-
кция планларини ошириб бажарганимиз. Хо-
силдорлик тўғрисида гап кетганда ўртадан
юқори даражада бўлганимиз. Лекин ўша вақт-
даги ишмизни бугунги ишларимизга тақ-
қослаб қўрайдиган бўлсак, ўтган йиллар даво-
мида деҳқонларнинг иш усули, ерга бўлган
муносабати, техникадан фойдаланиш қува-
ти, маҳсулотнинг ташарини намойиштириш
йўлида оlib борилаётган ишлар анча ўсган-
лигини кўрамыз.

Бизнинг бригада саккизинчи беш йиллик-
нинг охирида ҳосилдорлик жиҳатидан 30
центнердан ортиқроқ натижага эришган эди.
Бу кўрсаткич ўз даврида юқори ўринга қўйи-
ларди. Ваҳоланки, ҳозирги пайтда 30 цент-
нер ва шу атрофда ҳосил етиштириётган бри-
гада, бўлимлар эмас, колхозлар ҳам таъин
қилинмаётган. Эндиги марра 40—45—50 цент-
нер ва ундан ҳам юқорироқ бўлиб қолди. Биз
бултур ҳар гектар ердан 50,1 центнердан
пахта етиштирдик. Енимиздаги Навоий но-
ми колхознинг иккинчи бригадаси ҳосилдорлик-
ни 60 центнердан ошириб юборди. Шундан
кейин биз бригада аъзолари билан кенгашиб
60 центнер чегара эмас, агар ҳаракат қилсак
булдан ҳам юқорироқ кўрсаткичга эришиш
мумкин, деган қарорга келдик.

Агар ҳаракат қилсак, деганимизда биз
имани кўзда тутамиз. Эҳлики, олтинчи центнер-
дан ҳосил олаётган даладар билан ҳосил-
дорлиги 40 центнерга етказилмаётган ер-
ларнинг фарқи нимада? Ҳеч қандай фарқ
йўқ. Ердан қанча ҳосил олиш деҳқоннинг
меҳнатига, билимига, ҳаракатига ботиб.
Деҳқон ерга жон қўйдириб, меҳнат қўйиб
тўкса, унинг ҳар қирчилдан унумли фойдала-
на олса, сувдан, ўғитдан ҳамма наф ҳаба-
дор бўлса, ер деҳқонни доғда қолдирмайди.

Мен бригадирликнинг дастлабки йилларида
ҳам ана шу қонун-қоида билан эдим, ал-
батта. Лекин, кўп вақтлари техника етиш-
маслиги, ўғитларнинг ўз вақтида ола бил-
маслиги, гектарларнинг тўлиқ бўлиши
учун ишнинг қўлини билиб, ҳаракат қилмас-
лигини натижада ҳосилдорлик бугунги
кунгадеч юқори эмас эди.

КПСС Марказий Комитети март (1965
йил) Пленумида ерларнинг унумдорлигини
ошириш, техникадан фойдаланиш даражасини
кўтариш, дала меҳнатчиларига ҳақ тўлаш
йўлини, меҳнатчиларнинг унумдорлигини ошириш
тўғрисида бешинчи йиллик йўналиш таппар ўр-
тага ташланди. Партия Марказий Комитети
Пленумининг ана шу кўрсатмаларини амал-
га ошириш учун колхоз правлениси ва пар-
тия ташкилоти изчиллик билан иш олиб бор-
ди. Меҳнаткорлар, сувиқлар, даладарда иш-
лаётган барча колхозчилар меҳнатига ҳақ тў-
лаш яхши йўлга қўйилди. Улар қанча ме-
ҳнат қилсалар, неча сўм олсаларини, иш-
ларидан қай йўлида манфаатдор бўлишларини
тўла ҳис қилишар, шунга яраша меҳнат гай-
ратларини ошириб ишлашарди.



Ерни эъозлаб, унинг бир қаричини ҳам
бекор қолдирмай экин экин йўли билан ер-
ни қадраш мумкин. Ҳар йили кўкламда ту-
ла гектар тўғрисида гап юритилади. Лекин,
йилнинг охирида баъзи даладар кўздан
кечирилмаган бўлса, қаргаларнинг тепа қис-
ми, эгиндаги маълум жойларда кўчат сий-
рак бўлиб қолганлиги, ҳатто умуман кўчат
йўлиги кўзга ташланади. Бу билан гектари-
дан мўлжалдаги ҳосилни оlib бўлмайди. Ай-
рим ҳолларда бизнинг бир гектар ерда палон
зани ту кўчат бор, деб маълумот берилади.
Хисоб-китобга келганда эса айтиладиган
10—15 миля ту кўчат кам бўлиб қинади.

Самарқанд областининг Пахтачи райо-
ни қишлоқ хўжалик меҳнатнашлари ерлардан
унумли фойдаланиш, ҳосилдорлигини ошириш
тўғрисида яхши ташаббус бошладилар. Улар-
нинг фикрига биз тўлиқ қўшилиамиз. Шу та-
шаббус асосида ишлаб колхозимиз бўйича
ҳосилдорликни 45 центнерга, бригадамиз бў-
йича 55 центнерга етказиш учун курашамиз.
Бизнинг учун бизда ҳамма имконият бор. Ер-
ларимизни кўзда минерал ва органик ўғитлар
собиб чўқур шудор қилиб қўйганимиз. Янги-
да ҳамма майдонини бароналади. Чунки, ер-
даги намин сақлаш учун кўкламда ана шун-
дай ишларни ўз вақтида ўтказиш катта роль
ўйнайди.

Кейинги йилларда чигит экин схемасида
турли ўғитлардан, ҳар хил мулоҳазалар бу-
лаётган. Баъзи хўжаликлар ҳамон 60х60 схе-
масини афзал қўрадилар. Айрим хўжалик-

ларда чигитни икки қаторлаб жойлаштириш
йўли билан ҳосилдорлигини ошириб тўғрисида
гап кетаётган. Шундай хўжаликлар ҳам бор-
ки, кенг қаторлаб чигит экин — 90х10 схе-
масида жойлаштириш пахтачилигининг кела-
жиги деб айтмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси
маҳаллий шарондан келиб чиқиб айтилаёт-
ган фикрлардир.

Бизнинг колхозда, шахсан бизнинг бригада-
да, чигитни 80х6 схемасида жойлаштириш
жуда қўл келмоқда. Биз ўтган йили шу усул-
да гўза ўстириб гектаридан юқорида айтил-
ганидек, 50 центнердан ошириб ҳосил олдик.
Бу йил ҳам чигитни шу схемалда экиамиз.
Бундан ҳар гектар ерга 130—140 миля тул
кўчат жойлаштириш мумкин. Экин даврида
эса 80 сантиметрга мўлжалланган сеялкалар-
дан бемалол ва унумли фойдаланаётимиз.

Пахтадан мўл ҳосил олишда ишнинг ю-
қори сифатли бўлишига эътибор бериш муваф-
фақиятнинг асосий шартларидан энг муҳими-
дир. Гектар тўла бўлса, кўчатлар мўлжалда-
ги қалинликда жойлаштирилса-ю, ишнинг си-
фати кўнглидечидек бўлмаса мўлжалдан
мақсадга эришиб бўлмайди.

Бригаданин аъзолари «Механизатор —
бош пахтакор», дейдилар. Нима учун улар
шундай фикрга келганлар? Чунки ҳозирги
пайтда ерин экишдан тортиб, пахта йиғи-
мтерини қулиригача далада энг кўп бўлади-
ган механизатор эмасми? У гўза қаторларнинг
масвум давомида 7—8 марта босиб ўтади.
Ҳар тул гўза қай аҳволда ўсаяпти, қаторлар-
дан гўза тулларининг ҳаммаси дастлабки
кунлардаги миқдорда, йўқми — ҳар доим
қўриб ўтади. Шунинг учун механизаторлар-
га қўлай иш шартини яратиб бериш, уларни
моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантириш,
асосий вазифамиз эканлигини яхши билимиз.
Шу билан бригада сувиқларнинг меҳнати ҳам
механизаторлар меҳнати билан қўшилибди. Бу-
гунги сувиқ фақат таъирисини эмас, били-
мин ҳам сарфлаб ишлайдиганига, ўз вази-
фасини шараф билан бажарган бўлади.

Умуман, ҳар бир кишининг пахтакорда ўз
ўрни, ўз масъулияти бор. Агар колхозчи ва
механизатор, сувиқ ва бригадир шу масъу-
лиятини тўла ҳис этса, унга содиқ бўлса, пах-
такорлик касбини ардоқлаб, меҳнат қилгани-
на умумий юксалишга эришишга ҳиссасини
қўшган бўлади.

КПСС Марказий Комитети партияга, совет
халқига қилган Мурожаатида биз деҳқонлар
олдига ҳам катта вазифалар қўйган. Биз шу
мурожаатга жавобан ерларимиз унумдорлиги-
ни янада оширамиз, техникадан фойдаланиш-
ни булдан ҳам яхшилаймиз, ҳар килограмм
минерал ўғитнинг мўлжалдаги фойдасини
юқорироқ унум билан қоплашга ҳаракат қи-
ламиз. Бешйилликнинг якуновчи йилида
гектаридан 55 центнердан ошган ошган етиш-
тириш тўғрисидаги сўзимизнинг устидан чи-
қамиз.

Ж. ПИРИМҚУЛОВ,
Оққўрғон районидаги Х. Олдином номи
колхоз бригада бошлиғи.

СИФАТ- КОРХОНА ОЙНАСИ

Олмалик мебель фабрикаси-
нинг коллектив топириқларини
ни мунтазам равишда ошириб
бажариш билан бирга маҳсулот
сифатини янада яхшилаш ҳам
эътибор бериб келмоқда. Тўқ-
қизинчи беш йилликнинг яку-
новчи йилида ҳам динқатга са-
завот ютуқлар қўлга киритил-
ляпти. Жумладан, ўтган йили ойда
планга қўшимча равишда
ўнларча миля сўмлик маҳсулот
тайёрланди.

Мебель фабрикаси — Олма-
ликидаги кеска саноат корхона-
ларидан бири. Бу ерда тажри-
бали ишчилар ва инженер-тех-
ник ходимлар меҳнат қилиша-
ди. Мамлакатимиздаги кўпгина
мебель корхоналаридан тажри-
ба ортириш учун ишчи ва хиз-
матчилар келиб турадилар. Ол-
малик мебели республикада-шу
турдаги маҳсулотларнинг энг
яхшиси, деб баҳолалини беким
эмас.

Шуни айтиш киёфони, 1971
йилда корхона умумий сўммаси
593 сўмини ташкил этидиган
рекламания олганди. 1972 йил-
да 53 сўмини ташкил этидиган
битта рекламация тушди. 1973
йилда эса корхона адресига не-
ронта ҳам шикоятнома келма-
ди. Мана шу рақамларнинг ўзи
сифатининг яхшиланишидан
далолат беради.

Шикоятномаларнинг сабаб-
ларини таҳлил этиш шуни кўр-
сатдики, улар асосан мебел-
ларини бир жойдан иккинчи
жойга ташинидаги техника са-
бабларга қўра вуқудга келган.
— Мана шу камчиликни
бартараф этиш учун ҳозирги
даврга келиб ҳар кварталда
мебелларни темир йўл вагонла-
рига контроль юклаш жорий
этилди, — дейди бош инженер
П. Шаалов. — Бунинг учун
маҳсул инструкция талсис этил-
ган. Булдан ташқари, цехлар
ичиданги транспортровка юза-
сидан ҳам назорат ўрнатган.

Бизнинг ходимларимиз
Шатура мебель фабрикасида
бўлидилар. У ердаги иш жара-
йларини ўзимиздан шартин
билан солиштиришганимизда биз
маҳсулотини ениш ва контрол
қилиш бўйича турли прибор-
ларга муҳтож эканлигини
билиб олдик. Масалан, кўп йил-
лардан бери материалларнинг
мустақамлигини синайдиган
универсал машина на деталлар
юзасининг сифатлигини аниқ-
лайдиган микроскоплар учун
бюрогма беряптики. Бироқ, рес-
публика мебель саноати бош-
қармаси шунача мундандан бери
бизнинг илтимосимизни қонди-
ра олмаяпти.

Шундай бўлса ҳам Олмалик
мебелчиликнинг ютуқлари кў-
га ташланиб турибди. Улар ҳо-
зирга республикада биринчи
бўлиб мебелга пардоз бериш-
нинг илғор усулини ўзлашти-
ришди. Мебель ахиларини фа-
нерлаш ва силликланш бўйича
иккинчи механизациялашган ли-
нияни ишлаб чиқаришга жорий
этидилар. Фабрика коллективни
бир ойда миллион сўмлик маҳ-
сулот ишлаб чиқарадиган давр
узак эмас. Мана шу мазрани
эгаллаш учун мебелчилар бар-
ча имкониятларни ишга солиш-
моқда. Коллектив журнал сто-
ларига Давлат сифат белгисини
олишга аҳд қилди. Яқин кел-
гуча эса меҳмонхона қарниту-
рага ҳам Сифат белгисини
олиш учун ҳаракат қилинади.

Ҳозирги кунда мебель фаб-
рикасининг барча маҳсулоти би-
ринчи класс даражасида чиқа-
рилмақда. Корхона маҳсулоти
нинг доруз қозонида Валенти-
на Даурова бошлиқ пардоз-
чилар, станокчилар Гулсодира
Қосимова, Вера Мадридская,
дурдигорлар Минзатда Ахмет-
шина, Нана Кабееваларнинг
ҳиссаси катта бўлмоқда.

А. ФИТЦ.

МУСОБАҚА ШАРОФАТИ

«Тошкент Совети 50 йил-
ли» номи вагон-ремонт заводи
ишчилари якуновчи йил учун
ўз анималарига оширилган со-

циалистик мажбурият қабул қи-
лишган. Улар 1975 йил плани-
ни муддатидан илғари бажар-
иб, планга қўшимча 150 миля

сўмлик ремонт ишларини бажар-
иш учун қизғин кураш олиб
бормоқдалар.

Февраль ойида 6 та трол-
лейбус ва 8 та трамвай си-
фатини ремонтдан чиқарилиб
пландаги 240 ўринга 270 миля
сўмлик иш бажарилиб, Бундай
юқори кўрсаткичга эришилди
Александр Ткаченко бошлиқ

электромотор цехи коллектив-
нинг қўшган ҳиссаси салмоқли-
дир. Цех ишчилари пландан
ташқари 2 мотор ва 1 та ста-
нон ремонтдан чиқарилиб
эришиб, социалистик мусобақа-
да голиб чиқиди.

Цехда социалистик мусоба-
қани турли формалардан кенг
фойдаланилаётганлиги туфайли

беш йиллик зарбдорлари сафи
тобора кенгайиб бормоқда. Ҳо-
зирда унингчи беш йиллик ҳисо-
бга ишлаган фрезерини Фай-
зулла Алимов, қуювчи Жамол
Мустақимов ва электросвар-
Собир Шокировлар вақтдан
ўзиб ишлаганларнинг олдин-
чи натижа бормоқдалар.

Н. РУСТАМОВ.



чилар санининг энг сунгида турарди. Кичик жуссали, абжир йиғичча янги дўстлари орасида ўзини хушмуомалалик, маърифат вақтида қаҳқор ва эчкилиги билан тезда танилди.

Уруш йилларининг соати кунлар маъмурига, кунлариники эса ҳафтага тенг келарди. Ёшлар қуролини жуда тез ўрганиб олар, бу билан улар душмани йўқ қилишга бизни теоретик юборинлар, дейётгандек бўлардилар.

1943 йил. Ленинград фронтдаги жангларини у шундай эслайди:

«Струга-красный» темир йўл станцияси учун қаттиқ жанг борарди. Бизнинг пулемётчилар бўлимида душман ҳужумини мардонавор даф қилиб турарди. Ленин, фашист галлария мурмаҳлек босиб келардилар. Жанг шунчалик қизиқ борардики, қишнинг қа-

жангда айниқса маҳорат, жасорат кўрсатади. У иккинчи марта ярадор бўлади, бу гал дала госпиталида даволаниб тезда тугалиб чиқади.

1945 йил. Урушнинг оловли йўлларини босиб, талабага интилиб кетаётган қўшинларимиз Прага оstonаларида душман билан қаттиқ жанг қилдилар. Қўшма шаҳар осмони бир қанча вақт бомба ва снарядлар овози билан момақалдироқдек тўхтовсиз тўғилди. Гитлер, чилар бу шаҳарга қаналек ёпишиб олган эдилар. Аммо, жангларда чиниққан, душманга бўлган нафратлари юз карра ошган бизнинг қўшинлар Европа қўшини сўраётган тўғилди тўғилди тўғилди, нибайа санчиб, уларнинг қон сўрилган башара, сини оламга намойиш қилдилар. Ана шу жангларда пулемётчи йигит Қойил Зокиров уч марта ярадор бўлиб, уч марта

тошқинчи маросими бўлаётган эди.

Йилга 3 миллион 950 минг сумлик тара шилла чиларини қувватига эга бўлган Собир Раҳимов районидида бу заводнинг янги биноси қурилувчида қадар турли-туман таралар ремонтни, янгиликларни тайёрлаш осни усулларда, механизация жорий этилмаган ҳолда бажариларди. Бу албатта, қатор қи-йинчиликларни келтириб чиқарди.

Эрта-киндин завод тўла қувват билан ишла тушади. Бу хилдаги завод Эрта Осиёда ягона бўлиб, ёғоч ва картон идишларининг етарли миқдорда бўлишини тўла таъминлайди. Янги завод қаварлак ва йиллик планларини ҳаммавақт муддатидан илгари ошириб бажараётди.

— Коллективимиз, — дейди завод директори Қойил Зокиров, — зиммасидидаги социалистик мажбуриятни ўтган йили анча ошириб адо этди. Ёғоч та, ра бўйича 2,5 баробар, картон таралар бўйича 2 баробар, товар маҳсулот чиқариш бўйича 4,5 баробар ўсишга эришди ва 25.000 сўм соф фойда олишди. Чўчин, бизда меҳнат унумдорлиги мажбуриятда кўзланганидек 2 процент эмас, 5,6 процент кўтарилди.

ДУНЁ ОВОЗИ

Чет эл хабарлари

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДАГИ АҲВОЛ

ХАНОЙ, 31 март. (ТАСС). Жанубий Вьетнам Халқ қуроли кучлари маҳаллий аҳолининг мадади билан жанубий Вьетнамдаги энг йирик порт шаҳарлардан бири бўлган Куинг шаҳрини Сайгон қўшинлари овоз қилдилар ва бу билан деңгиз соҳилидаги Биньдин виллоятини озод этишни тугалладилар.

Шундай қилиб, Халқ қуроли кучларининг таъйиқи, партизанларнинг ҳаракати ҳамда маҳаллий аҳолининг қўллаб-қувватлаши билан деңгиз соҳилидаги аҳоли энг жойлашган текисликларини тўла-тўқис назорат қилиб турибди. Жанубий Вьетнам 20 миллион одам аҳолисининг ями ва территориясининг салкам 80 проценти Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукуматининг назорати зо-

насида турибди. Энг қамайтириб олинган ҳисоблашларга кўра, марказий яси тоғлида ва деңгиз соҳилига яқин районларда бир неча ўн миллион долларлик Америка ҳарбий аслаҳа-анжони, шу жумладан Сайгон қўшинлари қолдириб кетган 1.000 дан ортиқ ишга яроқли ҳарбий юк машинаси ва янги, 255 та бронетранспортер, 60 та танк ҳамда 105 миллиметр ва 155 миллиметр калибрили 210 та тўп сўнгги тўрт ҳафта мобайнида жанубий Вьетнам ватанпарварларига ўлжа қилинди. Озодлик кучлари Тхиеу режими иккинчи энг йирик ҳарбий комплекси бўлган Дананг районидан бутун бир авиация дивизионининг ер устидаги астаҳа-анжонини қўлга туширдилар. Кейинги тўрт ҳафта мобайнида 1, 2, 3 ва 23-ишда аскарлар дивизионлари ҳамда Сайгон қўшинлари деңгиз пилдаларининг ягона дивизиони батамом тарқаб кетди.

Данангдан ваҳимага тушиб чегинган чоғда биринчи ҳарбий округ қўмондони генерал Нго Куанг Чинг билан Сайгон деңгиз пилдалари қўмондони генерал Зуи Тхе Жан бедарак йўқолди. Вертолётда қочиб кети-

лишга уринган биринчи дивизион командири генерал Нгуен Ван Дием вертолёт билан қулаб тушиб, ҳалок бўлди.

Сайгон қўшинларининг ўн миллион солдат ва офицерлари халқ қуроли кучлари томонидан ўтқозилар. Маҳаллий аҳоли ўз ҳалоскорларини шоду ҳуррамлик билан кўтиб олиб, уларга бутун чоралар билан мадад бермоқда.

ХАНОЙ, 31 март. (ТАСС). Жанубий Вьетнам миллий озодлик fronti Марказий Комитети билан Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукумати баёнот эълон қилди. Ушбу баёнотда бундай деб таъкидланади: «Жанубий Вьетнамда сиёсий масалаларни ҳал қилиш йўлидаги асосий тўроққоқ қарар Тхиеу тўқис ағдарлиб ташлашини ва Сайгонда тинчлик, мустақиллик, демократия, миллий иқтисод ҳамда Парик битмига қатъий риоя қилиниши учун курашувчи ҳукумат тўқилиши керак».

«Муваққат революцион ҳукумат», — дейилади баёнотда жанубий Вьетнамга оид барча проблемаларни тезроқ ҳал қилиш мақсадида ана шундай ҳукумат билан музокаралар олиб боришга тайёр.

Жанубий Вьетнам миллий озодлик fronti билан Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукуматининг баёнотида Қўшма Штатлар Парик битими бўйича ўз зиммасига олган барча мажбуриятларини тез ва аниқ бажариши, урушдаги иштирокнинг ва жанубий Вьетнамнинг ички ишлари ағдарлишувини батамом тўқатиши ҳамда Вьетнам халқининг асосий миллий ҳуқуқларини, Жанубий Вьетнам халқининг ўз тақдирини ўз белгилан ҳуқуқини ҳурмат қилишини лозим, дейилади.

ОҚИЛОНА ДАЪВАТЛАР

НЬО-ПОРК, 1 апрель. (ТАСС). «Нью-Йорк таймс» газетасининг ёзишча, кейинги вақтларда жамоатчилик фикрини билдиш мақсадида ўтказилган савол-жавобларнинг натижаларига қараганда, америкаликларнинг кўпчилиги АҚШнинг Кубага нисбатан ўтказиётган сиёсати қайта кўриб чиқишлигини талаб қилмоқда.

Мамлакатнинг етакчи матбуот орақларини ҳам шу қайбистини ифода қилмоқда. «Нью-Йорк таймс» газетаси ўтказган тадқиқот Америкадаги энг катта

газеталарнинг аячигина қисми ўз саҳифаларида Куба Республикаси билан муносабатларни нормаллаштиришни ёқлаб чиқарётганлигини кўрсатди. Шу газиеталарнинг кўпчилиги Латин Америкаси мамлакатларининг тобора кўпчилиги Куба билан нормал муносабатлар ўрнатишга интилаётган биро пайтда Вашингтоннинг Кубанинг дипломатик ва иқтисодий жиҳатдан лисалаб қўйишга қаратилган сиёсий йўли эскилик сарқити бўлиб қолганлигини таъкидламоқда.

ПНОМПЕНЬ ДАН ҚОЧИБ КЕТИШДИ

БАНГКОК, 31 март. (ТАСС). Лон Нол ўзининг «бош минос-три» Лонг Борет билан, 17 генерали ва иккироғга учраган Пномпень режимининг 20 га яқин сиёсий арбоблари билан биргаликда бутун Американинг Таиланддаги Утапо ҳарбий-хава базасига келиб, бу ердаги Индонезия орқали АҚШга мўнаб кетди. Деб хабар берилди. Пномпень тоғаридаги шидатли жанглар давом этмоқда. Миллий озодлик кучлари шаҳар марказидан ўз илмометр нарироқда турибдилар. Кеча ватан парварлар Пномпень аэропортининг ўққа тутганлиги натижа-сида 2 вертолёт ва Американин- «С-130» транспорт самолёти иккидй шикастланди. Ватанпар-варлар аэропортдан 7 километр шимолда-гарбда жойлашган по-зициядан туриб аэропортнинг учини-қилиш майдонини ўққа тутмоқдалар.

Камбоджада иккинчи катта шаҳар Баттаманг жуда тор қўрқовда қолди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БЕРЛИН. Европада энг йирик мўйначилик фермаси ГДР-даги Плау деган жойда жойлашган. Совет Иттифоқи бу хўжалиқни барпо этишда катта ёрдам берди. Немис ҳаёвонот-шунослари урушдан кейинги биринчи йили СССРдан қўлдан-қўла кузан ва бошқа қўш-матли мўйна бераётган би-роларни олишди, улар Совет Иттифоқидидаги мана шу соҳада ишлаётган ҳамкасбларининг бош тажрибаларини ўрганмоқ-далар.

ЛОНДОН. Англияда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ўтган йилнинг сентябрь ойидан буюн 12 процентдан ҳам зиёд-роқ ортди.

«Гардиан» газетаси озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи тўхтовсиз равишда ўсиб бораёт-ганлигини тўғрисида хабар бериб, энг зарур маҳсулотлар—ёғ, сут, сабзавот нархи айниқса ортди кетаётганлигини таъкидлайди.


НЬО-ПОРК. «Макдонелл» Дуглас корпорейшн авиация компаниясининг Лос-Анжелес-даги корхонасини кейинги уч-кун мобайнида 2300 ишчи иш-дан бўшатилади. Мана шу завод-да ҳаммаси бўлиб 9,5 минг иш-чи энг ҳар йили қилинган би-ри ишчи ҳайлаб юборилди. Корпорация вақили ишчилар-га ишдан бўшатилиши мум-кинлигини айтди.

БРАЗЗАВИЛЬ. Луандадан олинган хабарларга кўра, Пор-тугалиянинг Анголадаги олий комиссари генерал С. Кардозу «ахвол аҳшданганлиги» муно-сабати билан шаҳарда комен-дантлик соати бекор қилинган-лигини билдирди. У Луанда аҳолисини Ангола пойтахтида тартиб ўрнатишда ҳарбий маъ-мурлар билан ҳамкорлик қи-лишга даъват этди.

(ТАСС, 31 март).

ПОРТУГАЛИЯДА контре-волюцион исён қўтаришга ури-ниш бартараф этилганидан сўнг ҳаёт яна нормал изга тушди. Корхона ва муассасалар, транспорт иш бошладди. Мага-зинлар очилди. Суратларда: Совет «Тарту» теплоходи Лис-сабон портида, Лиссабон кўча-ларидан биридида Украина ашу-ла ва рақс ансамбли госторлла-рига бағишланган реклама.

ТАСС фотохроникасеп.



А. САДАТ НУТҚИ

ҚОҲИРА. (ТАСС). Миср Араб Республикаси-нинг президенти А. Садат Мисрнинг Яқин Шарқ проблемасини ҳал этишда тутган позициясига ба-ғишлаб мамлакат халқ мажлисида нутқ сўзлади.

А. Садат Миср Яқин Шарқ масаласи билан шу-гулланувчи Йенева сулҳ конференциясининг ижуда яқин вақт ичда ўз ишнини яна бошлаб юборишини талаб қилади, деб айтди. Конференцияда биз Исро-ни қўшинларини 1967 йил 5 июнда Исродининг араб мамлакатларига қарши агрессияси бошлан-ишига қадар бўлган чегарага олиб кетилишини, шу-нингдек фаластинлик араб халқининг қонуний ҳу-қуқлари таъминланишини қатъий ва ошқ-ойдин талаб қилиб чиқамиз, деди у. Шу муносабат билан МАР президенти барча араб мамлакатларининг ва Исролга қарши қўрашаётган Фаластин озодлик ташкилотининг бирлиги ва ҳаракатларининг би-рири билан тўла мувофиқлаштирилиши мўҳим онанигини уқтириб ўтди.

А. Садат Миср ҳукумати БМТнинг Яқин Шарқ-даги фавқулодда кучларининг Синай ярим оролида яна уч ойгача қоллишга розилик билдиришга қар-қилганлигини маълум қилди.

Президент Сувайш канали бундан илгари белги-лангандек кемадар қатнови учун шу йил 5 июн-дан бошлаб очилишини таъкидлади. Биз қанаъат-хўмса қилишга қодирмиз, канал зонасидаги шаҳар-га ёки каналнинг ўзига бўладиган ҳар қандай ҳа-мла кескин зарбага дуч келади, деди А. Садат.



ЙИЛЛАР МАЗМУНИ

1942 йил. Дахшадли уруш-нинг, қора қўланаси Советлар юртининг покиза тупроғига куз-гуш шарпаси билан бало-қазо-дек босиб келарди. Ватан йи-гит-қиналари кўксини қалқон қилиб акал эчиларининг йў-лини тўсиб, кучини синдира-ди. Кечаги ишчилар, деҳқон-лар, звиёдилар — ҳамма ҳарбий кийимда. Студентлар қадрдон аудиторияларини тарк этиб, қўлларига қўрол олганлар. Ёш-дигина ўн иккинчи синф партия-дан турган, мўйлаблари сабза-ўриб келатган йигитчалар ҳам ҳарбий комиссариат маҳкамаси-да саф тортиб, эл-юрт тақдир-и ҳал қилинаётган томонга оши-қадилар.

Бўлар орасида ўн етти ёшли Қойил Зокиров ҳам бор эди. У эртага жўнайдиган қақирилу-

шатгич совуғида ҳам йигитла-рини ўт-олов бўлиб, гитлерчи-ларини олдинга силкишга қўй-мас эдилар...

Шу станция учун бўлган оғир жангда, 1944 йил йигирма ик-кинчи январда, ярадор бўлиб қолдим. Қўролдон дўстларим-да қўлларини пулемётдан, кўз-ларини душман томондан узи-шолмасди. Мен билан улар «Тезда соғайиб келинг» деб қисқа, аммо дилимда ҳамон сақ-ланиб қолган сўзлар айтиб, са-мимий хайрлашдилар.

1944 йил. Қойил Зокиров госпиталдан соғайиб чиқиб йеза фронтга отланди. Псков учун бўлган жангларда пулемётчи-лар бўлимидаги командир бўли-б қатнашди. Уларнинг қис-ми Эстониянинг Тарту шаҳри-ни озод қилиш учун бўлган

даволаниб чиқиб жангчилар са-фида бўлди. Унинг кўксини Қи-зил юлдуз ордени, қатор медал-лар безаб турарди.

Яқинда «Главснаб»нинг «Уа-глар» ситга қарашли Қойил Зокиров директори бўлган Тош-кент «Тара-ремонт» заводиди-да бўлишга тўғри келди. Шу кун-и завод коллективининг 1974 йил-даги меҳнати шарафига кат-та мажлис бўлаётган эди. За-водга беш йилликнинг белги, доғи йилнинг социалистик му-собекасидида голиб чиққан уч-и Ўзбекистон Компартияси Мар-казий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон-касаба союзлари Совети ҳамда Ўзбекистон комсомоли Марка-зий Комитетининг дипломи, му-кофоти ва Қизил байроғини

Биз республика партия ва ҳукуматининг бир йиллик меҳ-натимиз таъжисини тақдирлаб берган мунофотига яраша беш йилликнинг янқовлиги йилда-идада астойдил меҳнат қилмаиз ва барча тошқинчиларни доимо ошириб бажариш учун кураша-миз.

Уау! Ватан уруши йилларида жаҳовар йўлни босиб ўтган, ҳоҳирин тинч, оёқшайи йилла-рда катта коллективга моҳирлик билан бошқилиб қилаётган Қой-ил Зокиров яқинда 50 ёшга-тўлади. У ёшлар тенгдошлари билан бўлган сўхбатда:

— Инсон меҳнати, фақат меҳнати билан одамлар ўртаси-да қадр топади, — дейди. — Ик-ки билими, куч-қувватини эл-юрт хизматида сидидил сарф-лар янги, у доимо ана шу эл-юрт қафтида бўлади.

Меҳнат йилларини маъмури-бундан ҳам баранали, ибратли, одамлар қўйил қолдирган бўла-версин.

С. МАҲКАМОВ.

МЕХНАТ кишини улугъай-ди, коллективни янги муваффа-қиятларга қорлайди. Тошкент «Тара-ремонт» заводининг меҳ-натсевар коллективи 1974 йил-да фидокорона меҳнат қилиб катта галабани қўлга киритди. Уларга ана шу ютуқлари учун Ўзбекистон Компартияси Мар-казий Комитети, республика Министрлар Совети, рес-публика касаба союзлари Со-вети ва Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ҳамда дипломи берилди. Ёқинда шу мунофот-лар тантанали сўхбатда тошқи-рилди.

Суратда: завод мастерлари-дан (чапдан ўғта) Ш. Абба-ров, И. С. Беллов, Г. Халилов ва завод директори К. Зокиров ўртоқлар.

Н. Тўраев фотоси.



ВETERАНЛАРГА ТАЪЗИМ

Тошкентдаги 13-мактаб коллективи ва «Самарқанд дарвоза» маҳалла активларининг ташаббуси билан Улуғ Ватан уруши иштирок-чиларига бағишланган таъзим кечаси ўтказил-ди.

— Корхона, муассаса, ма-ҳаллаларда галаба айёмини му-носиб нишонлашга тайёргарлик қилиб кетди, — деди мактаб иллий бўлими мудираси М. Афандиева. — Иккун ҳалқа-рига бахт келтирган бу гала-бага осонликча эришилмади. Миллионлаб халқларимизнинг қони тўқилди. Фақат бизнинг маҳалладан урушда 19 ишчи ҳалок бўлди, 71 киши бедарак кетди. Халқ бўлган жангчилар-нинг зўр хизмати бир минут тик туриб сўқат сақлашлариниғиз-ни сўрайман.

Уруш ветерани истефодаги полковник Хокиммурод Суф-аровнинг сўзини йигитлардан зўр қизини билан тингладим.

Истефодаги полковник То-ҳир Риззиев Рейхстагини олиш учун қилган жанглари, медини-на на фанлари доктори Омонул-ла Баходиров фронтларда жангчи-ларга қўрсатган тиббий ёрдами ва Октябрь район халқ маориф-фи бўлимининг мудири Сайда-бар Сайдахмедов Ленинград қамали хотираларидан сўзлаб бердилар. Улар ёш аполларим-изни чинқитиб ўстириш, турли спорт тўғаракларига жалб этиш, шарт эканлигини алоҳи-да таъкидладилар.

Кеча охирида мактаб тала-балари драматург Қойил Яшин-нинг «Ўлим босқинчиларга» спектаклидан наъчалар намо-йиш этдилар.

Х. ҚОДИРИЙ.

ДАЛА ИШЛАРИ ҚИЗГИН

ХАТЛАРГА ОБЗОР

маъқулланиб, ҳосилдорлигини ге-ктар бошига ошириш учун пушта-замин яратилмоқда. Бу хўжали-ларда тўроқда нам сақлашга ало-ҳида эътибор берилган. Карта че-ларни тартибга солиниб, ерга ер қўшилмоқда.

Урта Чирчиқ районидида «Ле-нин йўли», Терешкова номи, Эн-гельс номи қолхозларда ҳам ба-рака уруғи ташланганидан майдон-лар яхшилаб текисланмоқда. Ил-гор бригадалар ўз имкониятлари-ни кайта кўриб чиқиб, ҳар геқтар-ердан ўтган йилга нисбатан тўрт-беш центнердан ошириб пахта то-ширишга бел боглаганликларини муҳирларимизнинг хабарла-ридан баён этилган. А. Қодиров, М. Соипов, Б. Солиқов ва бошқа ўртоқлар ўртақчиликлар тек-ширдан самарали фойдаланиб, чи-гит экинчи барвант ва сифати ўтказишга аҳд қилганликларини баён қилди.

Кейинги кунларда редакциямиз сабзавоткор ва чорвалардан ҳа-тин аке эттирувчи қатор мате-риаллар олди. Н. Абдурауловнинг «Олма» қарағани, Оқангарон районидида «Олма» сўхози-нинг чорваларлари қўзғатишнинг намунали ўтказиб, ҳар юз бош

КЎЧАТ ЭКИМОҚДА

Она ер бағрида яна ҳаёт жонланиб кетди. Қиш билан қор оғишда дам олган бено-ди даладар уйғонди.

«Ангрен» совхозининг кенг бог-роғлари, галлазору сабза-вор майдонлари Чотқол тизма-ларининг ён бағрларига, Оқан-гарон дарёсининг қирғоғига

жойлашган. Тупроғи унумдор, боглари мевага бой ерлар.

Совхознинг кўпгина брига-далари кўклагига экин-тинчи ил-ларини яхши олиб бормоқдалар. 2-бўлим парник хўжалиги си-фати кўчталар етказиб бер-моқда. Сандған Фузайлов ол-ти йилдан буюн парник хўжали-

гига бошчилиги қилади. Брига-дада 18 ишчи меҳнат қилади.

Бригаданинг Умар ота Қўл-бобоев, Қодир ота Холдоров, Хўшнот Ваҳодова, Турғунбой Қўштоева каби ишчилари зур ғайрат билан меҳнат қилмоқда-лар.

Н. АБДУРАУЛОВ, Оқангарон райони.

ДИПЛОМ БИЛАН ЎЗ КОЛХОЗИГА

Ўзбекистоннинг қишлоқ хў-жали о. и. й мактабларида бити-рувчиларини таъсислаш, уларни ишга юбатиш бошланди. Кол-хозларнинг ўзигагина оли-мат-матлиги 1.200 мутахассис боради. Бу кадрларни Тош-

кент ва Самарқанд қиш-лоқ хўжалик институтлари, яъни ол пахтачилик институт-ти, Тош ситдаги қишлоқ хўжа-лиқни механизациялаш ва ир-ригация институтини тайёрлаб чиқарди.

Қишлоқда катта-катта чорва-чилик комплексларини қуриш ҳамда фермаларни санавот негиз-ида реконструкция қилиш му-носабати билан чорвачилик кор-хоналарига қўлдан-қўл меҳнат-зор инжениерлар, ем-халас-сайёрловчи механик инжениер-лар тайёрлаб чиқарилади. Ўсим-ликларини химия қилиш соҳаси-да агрономлар даладарини ҳо-сисли машинада теришга тайёр-лашдаги энг мўҳим агрономик усул — гўзани дефолиция қи-

лиш ва десикация қилиш со-ҳасида ҳам билим олдилар. 30 та қишлоқ хўжалик техникуми-да 3,5 мингта ўрта бунга дип-ломли мутахассислар тайёрлан-ди.

Олий мактаблар ва техни-кумларни битириб чиққанлар-нинг кўпчилиги ўқинида сўнг ўз колхозларига қайтиб боради. Уларнинг қариб бешдан бири қишлоқ колхоздан етишпиди-олиб ўқиниш битирган киши-лардир.

МАҲОРАТ КУРГИ

Халқ талантилари маҳорати учун катта синав бошланди. Бадий ҳаваскорлик коллективлари деярли уч йил давомида ўз истеъдодларини кенг жамоатчилик олдида намойиш қиладилар.

Дарҳақиқат, бадий ҳаваскорлик ижодиётининг биринчи Бутунитифоқ фестивали ўзига хос санъат ва маҳорат мактаби, вазифасини ўтайди. Ижодий иштихон бошлангичида областимизда ҳам катта тайёргарлик қўрилди. Област ташкилий комитети иш бошлади.

Муҳбиримиз област фестивалини ўтказиш ташкилий комитетининг раиси А. В. Браилов билан учрашиб, фестивалнинг бориши тўғрисида, областимизда қанча қўлдош ва соҳибдорлар, санъат қўлдошлари билан ҳаваскорлик коллективларининг ижодий иштихонга тайёргарликлари ҳусусида суҳбатладик.

— Халқ талантилари — санъат гунаҳаридир, — дейди ўртоқ А. В. Браилов. — Бизда бадий халқ ижодкорлигига алоҳида ҳақимат берилмоқда. Рўй-роस्त айтиш кераки, кейинги йилларда бадий ҳаваскорлик коллективларининг ижодий санъати ўсиб, томошабинлар олдидаги обрў-этиборлари

орди. Ёш истеъдодларнинг дирижабо кўйиқлари, жонбади ва шўхлар рақслари, театр томошалари санъатимизнинг бўлажак равақидан далolat берди.

Ўзингизга маълумки, ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ҳамда СССР Министрлар Совети Хувар-техника таълими Давлат комитети 1975—1977 йиллар мобайнида ҳаваскорлик ижодиётининг биринчи Бутунитифоқ фестивалини ўтказди.

Фестивалнинг биринчи босқичи ўзига хос ижодий кўтаринкилик билан бошлаб юборилди. Тошкент тўқимачилар маданият саройида бўлиб ўтган биринчи концерт ҳам бундан далolat бериб турибди. Концерт программасига киритилган кўнра ва рақсларнинг ижроси томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Бу босқич санъат қўлдошлари, қўлдошлар, мактаблар, билим юрталари ва олий ўқув юрталарида, кейинчалик район ва шаҳарларда бутун бир йил давом этади. Айтиш кераки, областимизда ҳам кўплай истеъдодли ҳаваскорлик коллективлари борин, уларнинг чиқишлари ҳаммани ҳушуд отмоқда.

Ҳозир областимизда 120 га яқин клуб, маданият уйи ва саройлари ишлаб турибди. Уларда уч йил мингга яқин бадий ҳаваскорлик тўғрақлари бўлиб 74 мингдан ортиқ истеъдод эгаси ўз маҳоратини оширишмоқда.

Ўтган йилнинг ўзида ҳаваскорлар ижросида 9 мингдан ортиқ концерт ва спектакллар намоиш қилинди. Ёш талантиларнинг чиқишлари 2 миллиондан ортиқ киши келиб кўрди. Тошкент трактор заводи, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нарийети, электрон-техника заводи, тўқимачилик комбинати, 1-автомобилат каби қорхона ва ташкилотлар ҳузуридан ҳаваскорлик коллективлари халқ театри ёки ижодий коллектив, деган ном эгаси бўлишди.

Шунинг қувончлики, бу коллективларнинг кўпи Москвада ўтказилган фестивалларда ўз маҳоратини намоиш қилди. Шунингдек, қардош республикалар пойтахтларида концерт программалари билан чиқди. Ёш яхши ижодкорлар эса конкурс лауреатлари бўлишди.

Чирчиқ электротехника, Олмалик кон-металлургия комбинатлари маданият саройлари, Тошкент трактор заводи ва тўқимачилик комбинати ҳаваскорлари, Бутунитифоқ халқ хўжалиги йотуқлари қўрғамасининг қатнашчилари бўлишди. Кейинги йилларда ҳаваскорлик коллективлари сонини янада ортиди. 200 га яқин коллектив янгидан ташкил топди. Областимиз район ва шаҳарларида бўлиб ўтган ашула байрамлари, фестиваллар Бутунитифоқ кўргиси олдида амалга оширилган муҳим тадбирлардан бири бўлди. Пойтахтимиздаги кўнра театри ҳаваскорлик коллективларини ўз оқинларига олиб, яхши анъаналарни бошлаб берди. Ўзбекистонда ҳамма номли, Навоий номли, Охунбобоев номли театрларнинг бу борадаги фаолиятлари мактовга лойиқ.



Бу музика мактаби кўчоғида кўнрага санъат ихлосмандлари тахсил қўрмоқда. Ҳозир Тошкентдаги 23-музика мактабиди дуторчилик ансамбли ҳам ташкил қилинган. Суратда: дуторчи қизлар ансамбли репетиция қилишда.

Х. Солиҳов фотоси, (ЎзТАГ).

Бутунитифоқ фестивали Улуғ Октябр социалистик революциясининг шонли 60 йиллиги арафасида ўз ишига яқин

асайди. Областимиз бадий ҳаваскорлик коллективларининг кўпи бу катта иштихондан муваффақиятли ўтади, деган ниятдамыз. А. АЛИЕВ.

ЖОНКУЯР ШИФОКОР

Яқинда «Главташкентстрой» клиник касалхонаси урология бўлими бошлиғи, Санд Умаров ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. У ўзининг 60 ёшлик юбилеи арафасида икки минггачи бурак операциясини амалга оширди. Шифокорнинг ҳамкасблари, ёр-бирдорлари, унинг қўлида дардига малҳам топан кишилар музоборак бўлишди. Таъриқ кетидан таъриқ уланди.

Шу кун Санд ака алламаҳалгача ўхлай олмади. Хаёли шоқир отдек тутиқиб бермас, тибиёт илмига, айниқса жароҳатликка меҳри тушган ўмиш йилларга етакларди. Санд Умаров Тошкент медицина институтининг давлат факультетини тамомлагач, Нурота районида нинга тайинланди. Ёш мутахассиснинг бу ерда ишлаб, таърибга ортириш ҳақидаги орузи амалга ошмади. Ватанимизга немиш-фашист босқинчилари ҳужум қилди. Республикамыдан фронтга чакрилган дастабани группа шифокорлар сафиди Санд ҳам Туркистон ҳарбий округи ҳузуридаги врачлар малакасини ошириш курсини тамомлаб, фронтга қўйиб кетди.

Санд Умаров қўлида жароҳатлик тиги билан Курск остолидаги Берлинга бугун узоқ йўлни босиб ўтди. Курск яқинида ташкил этилган госпиталда, 1-Украина фронтдаги ҳарбий касалхонада, нинҳот, Берлин яқинидаги госпиталда хизмат қилди.

— Ўша вақтда, — дейди Санд ака, вақт билан ҳисоблашмай, чарчап нимагини билмай, жангга яралган кишиларга тезроқ тиббий ёр-

дам кўрсатиш мақсади билан ишариди. 200—300 ўрилли ҳарбий касалхонада бир вақтинча ўзида базан минг, икки минг ярадор жангчини даволаб, уларнинг тезроқ соғайиши устида кўз-қўлоқ бўлиб туришга тўғри келарди. Бир кунда ўнлаб операцияни амалга оширган кунларимиз кўп бўлган.

Санд ака Умаров Улуғ Ватан урушидан кейин Ашхатлик медицина институтига, Тошкентдаги радиология, онкология ва рентгенология илмий-тежириниш институтига, Тошкент медицина институтига ишладди. 1967 йилдан буён эса «Главташкентстрой» клиник касалхонасининг урология бўлимига бошчилиқ қилмоқда.

У — медицина фанлари кандидати. Ҳарбий госпиталда бирга ишлаган ҳамкасби, медицина фанлари доктори Д. А. Введенский раҳбарлигида кес-са кишиларнинг ички органларини операция қилиш йўли билан даволаш темасида диссертация ёнган. Урология соҳасида юзга келган яхши на-волаш усуллари республика-мида кўнра у бошлиқ бўли-лида биринчи бўлиб муваф-фақиятли қўлланилмоқда. Ҳозир Санд ака Тошкент шаҳри-нинг бош урологи ҳамдир.

Ионкуяр шифокор Санд Умаровнинг самалли меҳнати партия ва ҳукуматимиз томи-нидан муносиб баҳоламолда. У Меҳнат Қизил Байроқ ор-ден билан ҳамда жанговар ме-даллар билан тақдирланган. У — СССР соғлиқни сақлаш аълочиси.

С. МУХИДДИНОВ, Х. СУЛТОНОВ.



Суратда: Санд Умаров ва врач-ординатор Нурмат Қосимов.

ШИФОБАХШ „АЛОЭ“

Кейинги вақтларда «алоэ» сўзи тез-тез тилга олинган бўлиб қолди. Алоэдан тайёрланган дорин-дармонлар кишиларга шифо бахш этмоқда. Алоэ асиди Африка жанубидаги саҳроларда ўсуви да-рахт бўлиб, тропик ҳароратдан тош-метиндек бўлиб кетган қизил-тўқил жойларда учрайди. Бўйи қариб ўн икки метрга келадиган алоэ дархатининг шохлари яланғоч, факат шох учларида янгичка, узун, аммо

анча сергўшт барселари бўлади. Алоэ тропик иқлимда ҳам, бир-мунча совуқ ҳароратли ўлка-ларда ҳам яхши ўсаваради. Алоэ шифобахш востеа си-фатида бундан 2500 йил бурун қадимги юнонларга ҳам маълум эди. Алоэ барглари ўша давр-ларда жуда қимматбаҳо санал-ган. Айтишларича, Искандар Зулқарнайв Арастунинг маста-хатига биноан Сократу ороли-га ҳужум қилиб, бу ерда ўсади-ган алоэни қўпайтириш учун

юнонларни қўчириб келтирган. Ўша вақтдан бошлаб алоэ Евро-пада дорин-дармон сифатида қўлланила бошлаган. Бундан анча илгари бу ўсимлик фран-залар Миср, Хитой, Хиндис-тонда ҳам маълум эди. Айниқ-са араблар уни қадрлаб, сувиз-жойда ўсгани учун сабр-тоқат раман, деб ном қўйганлар. Алоэ дархатининг қуёқ ипа-батта ўхшаш шираси шифобахш хусусиятга эгадир. «Сабр» деб аталуви бу ширадан ошқозон

фиолатини яхшиловчи востеа сифатида ёш иштатгани очиб-очиб ишлатилди. Бизда эса у ёш бу даражадаги тери кўйи-лида, битмай етган яраларни да-волашда ҳам қўлланилади. Қўз касалликлари даволаш билан оламга машҳур бўлган акаде-мик В. П. Филатов алоэ барги ширасини бу соҳада ҳам қў-ллашнинг жорий қилди. Алоэ дархати ўз юрти Аф-рикада хар йили тўқ қизил тусда гуллаб, чангланганидан сўнг мева тутади. Шамол эси-ши билан меванинг уруғлари узоқларга тарқалиб, қулай ша-ронда униб чиқади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР